
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 август кунги ПҚ-5232-сон қарорига мувофиқ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб, умумий овқатланиш корхоналари 2021 йил 31 декабрга қадар юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод қилинди.

2023 йил 1 сентябрга қадар туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилди.

Умумий овқатланиш корхоналари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиғи ва йиғимлар бўйича 2021 йил 15 август ҳолатига мавжуд қарздорликларини ҳамда барча солиқлар бўйича жарима ва пеняларни 2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар фоизларсиз тенг миқдорларда кечиктириб бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Данғара туман Давлат солиқ инспекциясининг

“Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” инспектори М.Мамажонов

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-10-08 18:07:19